


Богдоднинг кулаши - Богдодга йўл (2-кисм)

Муаллиф:

18.11.2017 16:57 - Янгиланди 18.11.2017 17:06



Богдоднинг кулаши

Муаллиф: Мухаммад Султанов

Богдодга йўл

2-кисм

Хулаго кўшинга бошчи этибўзининг энг мохир саркардаси Китбугу Нўённи тайинлайди. Мохир кўмондон ва катта тажрибага эга бўлган Китбугу Нўён насроний эди ва бу унга мўгул армияси таркибидаги насроний аскарлари, яъни арманилар, Антиохия французлари вабир неча ўн йиллар аввал Хоразмшоҳ томонидан Тбилиси фатх килинганининг ўчини олиш максидидаги Грузия аскарлари устидан назоратни енгиллаштирар эди.Окибатда ушбу улкан кўшинни мўгуллар тарихидаги энг тажрибали саркардалар: Хулаго, Китбугу ва Байжолар бошқарган. Шунингдек, Хулаго Антиохия хукмдори Боэмунд ИВ хам хат юбориб, ундан харбий куч сўраган. Лекин у етиб кела олмайди, чунки мўгуллар билан кўшилиш учун у Шом давлатини кечиб ўтиши керак эди. Лекин унинг кўшини тўлик харбий тайёргарликда турар ва Богдоднинг кулаши билан Шомни фатх этишда,хусусан,Халабни камал килишда фаол иштирок этади. Боэмунд Богдод фатхида иштирок эта олмаган бўлсада, Дамашк хукмдори Носир Юсуф ўз ўглини, Мукул хукмдори Бадриддин Луълу харбий гурухларни Хулагога ёрдамга юборишади. Бу гурухлар озчиликни ташкил килишига карамай, катта ахамиятга эга эди, яъни мўгул кўшинида мукулмонларнинг борлиги ва улар мукулмонларга карши мўгуллар томонида жанг килишлари, ирокликлар мўгуллар билан иттифокда «Ирокни озод килишмоқда» деган маънони келтириб чикар эди. Аслида эса бу хукмдорлар ўз ўринларини, бир канча микдордаги дирхам ёки шунчаки хаётларини саклаб қолиш ниятида бўлганлар. Улкан мўгул кўшини Эрондан Ирокка йўлга чикди. Нихоят, Хулаго биринчи харбий харакатларни бошлайди ва ўз кўшинларига тактик вазифаларни юклайди. Харбий вазиятни ўрганиб чиккач, Форс гарбидаги тоғларда жойлашган исмоилий шиаларнинг мўгул кўшини харакатланишига тўскинлик килиши мумкинлигини тушуниб етади. Исмоилий назарийлар (Ассасин ёки котиллар номи билан машхур), ўз харбий санъати ва махорати билан машхур бўлиб, улар бир неча калъаларга эга эдилар ва ҳеч қандай келишувларни бажармасдилар. Ўша даврда аббосийлар ва исмоилийлар ўртасида жиддий зиддиятлар бўлган. Бундан ташқари, улар мўгулларга Хоразмшоҳга карши урушда ёрдамларини таклиф килишган бўлиб, аслида иккиюзламачи эдилар, қайси тараф кучли бўлса ўшанга огиб кетишарди. Шунга карамай мўгуллар орқаларида тажрибали, пухта курулланган исмоилийлар кўшинини колдириб кетиб ўзларини тўлик хавфсизликда сеза олмас эдилар. Чунки исмоилийлар мўгулларга катта талафот етказишлари мумкин бўлган. Бундан хам мухими, мўгуллар ва исмоилийлар орасида конли интиком бўлиб, 30 йил аввал ЧингизхоннингЕронга юришида исмоилийлар унинг ўгли Чигатойни ўлдиришган эди. Мўгуллар эса буни ҳеч қачон унутишмаган. Бундан ташқари, барча саркардалар Чингизхон авлодидан бўлиб, ўч олишни ўзларининг бурчи деб билишган. Шунингдек, бу йўналишдаги барча юришларда Чигатойнинг ўгли хам катнашар ва ўз отаси учун ўч олишни мақсад килиб олган эди. Буларнингхаммасини инобатга олиб ва Мункехоннинг ер юзидан исмоилийлар изини ўчириш буйругини бажариш максидида Хулаго уларни буткул йўқотишга қарор қилади. Мўгул кўшини исмоилий-назарийларнинг пойтахти бўлмиш Оламут калъасига (Хасан Сабох калъаси – 2163 метр баландликда, Ташил ва Марказий Элбрус кўшиладиган жойда, Техрондан 100

Муаллиф:

18.11.2017 16:57 - Янгиланди 18.11.2017 17:06

км узокликда жойлашган тог калъаси)юришни бошлади. Узок бўлмаган камалдан сўнг калъа жангсиз мўгулларга таслим бўлади. Мўгулларнинг улкан кўшинини кўрган исмоилийлар имоми бўлмиш Рукниддин Хуршоҳ Хулаго билан шахсан кўришиш истагини билдиради. Кимматли вақтни тежаш мақсадида Хулаго таклифни қабул қилади, чунки ушбу уриш асосий мақсад бўлмиш Богдодга юришдаги кичик бир тўсик эди. Хулаго билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг имом Рукниддин Хуршоҳ мўгулларга тўлик бўйсунини билдиради, голибларнинг шавкатига ишониб уларга ўзининг даргоҳи бўлмиш Мўймунзин дарвозаларини очиб беради. Шунингдек, Хулагонинг талабига биноан барча калъаларга таслим бўлиш ҳақидаги буйруқни юборади. 40 га яқин калъалар таслим бўлади. Лекин Аламут калъаси бошлиги бўйсунидан бош тортади. Кўлга киритиб бўлмас деб ҳисобланган калъа маҳв этилади, унинг химоячилари ва аҳолиси қиличдан ўтказилади, калъа талон-тарож қилинади. Бундан сўнг Рукниддин Хуршоҳ Мункехон билан учрашиш истагини билдиради ва Хулаго уни пойтахтга юборади, лекин Мункехон уни қабулига кириш учун лойиқ эмас деб қабул қилмайди ва уни ортга, Эронга қайтариб юборишни буюради. Форсга қайтаётиб Мункенинг маҳфий буйруғига асосан Рукниддин Хуршоҳни ўлдиришади. Бундан кейин Хулаго тарихдаги энг дахшатли ишлардан бирини қилади. Мўгуллар кўшинига кўшилишни сабаб қилиб исмоилийларнинг барча аскарларни бир жойга тўплашни буюради. Бир жойга тўпланган, ҳеч нарсадан хабари йўқ исмоилийларни битта қўймай кириб ташлашади. Шу билан 1256 (ҳижрий 655) йил исмоилийлар давлати йўқ қилинган. Аббосийлар пойтахти Богдодга бўлган йўл барча тўсиклардан озод қилинади ва мўгулларнинг юриши давом этади. Бу ислом олами пойтахти кулашига санокли кунлар колганини билдирар эди.

Санжар Кобил таржимаси